



Хабар килинишича, Швейцариянинг Цюрих шаҳрида истикомат киладиган кассоб маҳаллий мусулмон аҳолини алдаб, нақд уч йил мобайнида чўчка гўштини “халол бузук гўшти” деб сотиб келган. Шу давр мобайнида сотилган чўчка гўштининг умумий огирлиги 3,1 тоннани ташкил этган.

Каллоб кассобнинг бундай килмиши озик-овкат хавфсизлиги инспектори томонидан пайкаб қолинган. Назорат фаолияти доирасида инспектор гўшт остига ёпиштирилган ёрликка эътиборини қаратади ва ундаги “халол бузук гўшти” деган ёзув ва тақдим этилаётган ўша маҳсулотга нисбатан шубҳага боради. Лаборатория текширувлари натижасида “халол бузук гўшти” аслида Ислонда харом қилинган чўчка гўшти эканлиги аниқланади.

Суд қарорига мувофиқ, исми-шарифи сир сакланаётган кассоб олти ойлик қамок қазоси ва 18000 Швейцария франки (18680 АҚШ доллари) миқдоридаги қариммага тортилган. Ишни тергов қилган прокурор судда: “Агар миқозлар гўшт чўққаники эканини билганларида эди, уни сотиб олмасдилар. Чунки гўштнинг бу турини истеъмол қилиш Ислонда таъқиқланган”, – деган.